# IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2020 йилнинг январь-мартида Республиканинг асосий капиталини кўпайтиришга 1284,9 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 71,0 фоизни ташкил қилди, шундан хорижий инвестициялар 305,3 млрд. сўмни ташкил этди.

**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши**

| | *млрд. сўм* | *ўсиш суръати, %* | *якунга нисбатан фоиз* |
|---|---|---|---|
| **Асосий капиталга киритилган инвестициялар** | **1284,9** | **71,0** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | |
| **Марказлашган инвестициялар:** | **309,3** | **39,4** | **24,1** |
| бюджет маблағлари | 100,9 | 42,2 | 7,9 |
| Сув таъминоти тизимларини ривожлантириш жамғармаси | 15,0 | 9,6 м. | 1,2 |
| тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари | 16,5 | 14,4 | 1,3 |
| ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари | 176,9 | 41,1 | 13,7 |
| **Марказлашмаган инвестициялар:** | **975,6** | **95,0** | **75,9** |
| корхоналарнинг ўзмаблағлари | 429,4 | 142,3 | 33,4 |
| аҳоли маблағлари | 159,5 | 71,7 | 12,4 |
| тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар | 128,3 | 84,4 | 10,0 |
| тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 258,4 | 75,0 | 20,1 |

**2020 йил январь-мартига асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби**

| | *жами* | *давлат* | *нодавлат* |
|---|---|---|---|
| **Жами,** *млрд. сўм* | **1284,9** | **255,9** | **1029,0** |
| *шу жумладан:* умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида | | | |
| қурилиш-монтаж ишлари | 601,4 | 234,9 | 366,5 |
| машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари | 623,0 | 14,6 | 608,4 |
| Бошқа харажатлар | 60,5 | 6,4 | 54,1 |

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан қурилиш-монтаж ишларининг улуши 74,2 фоизли пунктга камайганлиги, машина, ускуналар, транспорт воситаларини ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари қиймати улуши 68,4 фоизли пунктга ва бошқа харажатларнинг улуши 64,1 фоизли пунктга камайганини кўрсатмоқда.

2020 йил январь-март ойларида марказлаштирилган молиялаштириш манбаларига 309,3 млрд. сўм инвестиция маблағлари киритилиб, бу кўрсаткич жами инвестицияларнинг 24,1 фоизини ташкил этди, бу ўтган йилнинг январь-мартига нисбатан 27,4 фоизли пунктга камайган. Ҳисобот даврида марказлаштирилмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 975,6 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди (жамига нисбатан улуши 75,9 %) ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 95,0 фоизни ташкил этди.

Корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобига 429,4 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар жалб қилинди ёки жами инвестицияларнинг 33,4 фоизи ўзлаштирилди. Аҳолининг маблағлари ҳисобидан 159,5 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, жами инвестициялар ҳажмининг 12,4 фоизини ташкил этди.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида 176,9 млрд. сўмлик хорижий кредитлар ажратилди, бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 41,1 фоизли пунктга камайган ёки жами инвестицияларнинг 13,7 фоизини ташкил этади.

Шу билан бирга, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан 258,1 млрд. сўм маблағлар киритилди (асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 20,1 %), бу ўтган йилга нисбатан 75,0 фоизли пунктга камайган, тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан 128,3 млрд. сўм (умумий ҳажмининг 10,0 %) ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 84,4 фоизли пунктга камайган, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 16,5 млрд. сўм (улуши 1,3%) ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4,8 фоизга камайган, Сув таъминоти тизимларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 15,0 млрд. сўм ёки асосий капиталга киритилган жами инвестицияларнинг 1,2 фоизи миқдорида инвестициялар киритилиб ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,6 баробар ошган.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталган киритилган инвестиция ва кредитлар

Ҳисобот даврида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг асосий қисми, яъни кайта ишлаш саноатига 382,0 млрд.сўм, кишлок, урмон ва баликчилик хужалиги фаолият турига 226,8 млрд. сўм, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашга 95,9 млрд.сум, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турига 107,4 млрд. сўм, ҳамда 110,5 млрд. сўм уй-жой қурилишига тўғри келди.

2020 йил январь-март ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 8,4 фоизи (ўтган йилнинг мос даврида 32,8 %) электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турига, 7,5 фоизи тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш фаолият турига (ўтган йилнинг мос даврида 10,1 %), 8,6 фоизи уй-жой қурилишига (ўтган йилнинг мос даврида 16,6 %), 4,2 фоизи ташиш ва сақлашга (ўтган йилнинг мос даврида 3,2 %), 17,7 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига (ўтган йилнинг мос даврида 16,8 %), 29,7 фоизи (ўтган йилнинг мос даврида 6,3 %) кайта ишлаш саноатига ва 5,7 фоизи қурилиш иқтисодий фаолият турига тўғри келди (ўтган йилнинг мос даврида 2,6 %).

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталган киритилган инвестиция ва кредитлар**
*(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)*



**2020 йил январь-март ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби**



**Молиялаштириш манбалари бўйича**
**асосий капиталга киритилган инвестициялар,**
*жамига нисбатан фоиз ҳисобида*



**2020 йилнинг январь-март ойларида молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар**

| | *Киритилган инвестициялар, млрд. сўм* | *Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, %* | *Умумий ҳажмдаги улуши, %* |
|---|---|---|---|
| **Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан** | **1284,9** | **71,0** | **100,0** |
| Республика бюджети | 100,9 | 42,2 | 7,9 |
| Сув таъминоти тизимларини ривожлантириш жамгармаси | 15,0 | 9,6 м. | 1,2 |
| Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | 16,5 | 14,4 | 1,3 |
| Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланган чет эл кредитлари | 176,9 | 41,1 | 13,7 |
| Корхоналар маблағлари | 429,4 | 142,3 | 33,4 |
| Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 258,4 | 75,0 | 20,1 |
| Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар | 128,3 | 84,4 | 10,0 |
| Аҳоли маблағлари | 159,5 | 71,7 | 12,4 |

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг энг юқори ўсиш суръатлари махаллий бюджет ва корхоналарнинг уз тмаблаглари хисобига тугри келган, 429,4 млрд.сум ва уткан йилга нисбатан усиш суръати 142,3 фоизни ташкил этган.

**Январь-март ойларида асосий капиталга киритилган инвестициялар,** *млрд. сўм*

| | *2019 й.* | *2020 й.* | *2019 йилга нисбатан, фоиз ҳисобида* | *жами инвестициялардан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми, минг АҚШ долл.* |
|---|---|---|---|---|
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | **1505,8** | **1284,9** | **71,0** | **5740,5** |
| Нукус ш. | 303,5 | 241,6 | 65,4 | 612,8 |
| *туманлар:* | | | | |
| Амударё | 47,7 | 59,8 | 104,4 | 200,0 |
| Беруний | 85,7 | 104,6 | 101,7 | - |
| Бўзатов | 0,7 | 1,0 | 125,5 | - |
| Қонликўл | 16,5 | 24,0 | 123,8 | 127,0 |
| Қораўзак | 77,7 | 101,7 | 108,0 | - |
| Кегейли | 26,6 | 58,0 | 181,0 | 237,5 |
| Қўнғирот | 87,2 | 104,9 | 100,1 | 3143,0 |
| Мўйноқ | 49,3 | 33,5 | 57,0 | 300,0 |
| Нукус | 39,2 | 45,5 | 99,6 | 438,0 |
| Тахиатош | 457,4 | 119,6 | 21,6 | 84,0 |
| Тахтакўпир | 13,5 | 27,8 | 170,7 | - |
| Тўрткўл | 115,0 | 89,9 | 66,1 | 20,0 |
| Хўжайли | 35,5 | 43,0 | 101,6 | - |
| Чимбой | 27,0 | 41,8 | 128,7 | 578,2 |
| Шуманай | 13,6 | 16,2 | 99,1 | - |
| Элликқалъа | 107,7 | 172,0 | 132,5 | - |

**2020 йил январь-март ойларида молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар,** *млрд. сўм*

| | *Асосий капиталга киритил-ган инвестициялар жами, млрд. сўм* | *шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:* | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | *республика бюджети* | *корхоналар маблағлари* | *аҳоли маблағлари* | *хорижий инвестициялар ва кредитлар* | *Ҳукумат кафолати остидаги чет ел кредитлари* |
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | **1284,9** | **100,9** | **429,4** | **159,5** | **305,3** | **-** |
| Нукус ш. | 241,6 | 54,4 | 62,5 | 13,3 | 36,4 | - |
| *туманлар:* | | | | | | |
| Амударё | 59,8 | 0,2 | 34,3 | 7,3 | 12,9 | - |
| Беруний | 104,6 | 1,9 | 14,7 | 14,2 | | - |
| Бўзатов | 1,0 | - | - | 0,1 | 1,0 | - |
| Қонликўл | 24,0 | 6,2 | 2,4 | 9,0 | 1,2 | - |
| Қораўзак | 101,7 | 0,4 | 67,2 | 2,3 | 5,6 | - |
| Кегейли | 58,0 | 4,9 | 39,9 | 6,2 | 2,3 | - |
| Қўнғирот | 104,9 | 0,6 | 53,9 | 12,2 | 29,9 | - |
| Мўйноқ | 33,5 | 5,4 | 4,1 | 6,2 | 4,8 | - |
| Нукус | 45,5 | 3,8 | 8,6 | 21,9 | 4,2 | - |
| Тахиатош | 119,6 | 3,7 | 18,5 | 5,2 | 72,8 | - |
| Тахтакўпир | 27,8 | 1,8 | 19,8 | 3,4 | | - |
| Тўрткўл | 89,9 | 2,9 | 35,8 | 25,2 | 0,2 | - |
| Хўжайли | 43,0 | 1,2 | 25,2 | 10,0 | 52,9 | - |
| Чимбой | 41,8 | 7,4 | 22,5 | 4,3 | 87,4 | - |
| Шуманай | 16,2 | 1,1 | 2,1 | 4,5 | 9,9 | - |
| Элликқалъа | 172,0 | 5,0 | 17,9 | 14,2 | 179,7 | - |

*давоми*

| | Асосий капиталга киритилган инвестициялар жами, млрд. сўм | шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича: | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Сув таъминоти тизимларини ривожлантириш жамғармаси | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари |
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | **1284,9** | **15,0** | **16,5** | **258,4** |
| Нукус ш. | 241,6 | 0,9 | - | 73,7 |
| *туманлар:* | | | | |
| Амударё | 59,8 | - | - | 5,1 |
| Беруний | 104,6 | 0,7 | - | 73,1 |
| Бўзатов | 1,0 | - | - | - |
| Қонликўл | 24,0 | 1,4 | - | 3,8 |
| Қораўзак | 101,7 | 0,2 | - | 25,9 |
| Кегейли | 58,0 | 0,4 | - | 4,4 |
| Қўнғирот | 104,9 | - | - | 8,3 |
| Мўйноқ | 33,5 | 3,7 | - | 9,4 |
| Нукус | 45,5 | - | - | 7,0 |
| Тахиатош | 119,6 | 1,0 | 16,5 | 1,9 |
| Тахтакўпир | 27,8 | 0,7 | - | 2,1 |
| Тўрткўл | 89,9 | 0,7 | | 25,2 |
| Хўжайли | 43,0 | 1,1 | - | 3,5 |
| Чимбой | 41,8 | 1,2 | - | 0,9 |
| Шуманай | 16,2 | 1,3 | - | 7,2 |
| Элликқалъа | 172,0 | 1,7 | - | 6,6 |

**Январь-март ойларида мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар,** *жамига нисбатан фоиз ҳисобида*




Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1029,0 млрд. сўмлик асосий капиталга инвестициялар киритилган булиб, жами инвестициядаги улуши 80,1 фоизни (2019 йил январь-мартига нисбатан 1,2 фоизли пунктига камайган ) ташкил қилди.

**Ижтимоий соҳа объектларини қуриш**

2020 йил январь-мартида умумий майдони 144,3 минг кв.м. бўлган 846 та уй-жой (2019 йилнинг январь-мартига нисбатан 66,7 фоиз) шу жумладан қишлоқ жойларида 86,1 минг кв.м, 482 уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 110,5 млрд.сўми ёки 29,2 фоизи турар-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари қурилишида 2,6 млрд. сўм атрофида инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 0,7 фоизини ташкил қилади.

**Қурилиш фаолияти.** 2020 йил январь-мартида 664,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 100,4 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 69,5 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари 12,0 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 18,5 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 71,9 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти**
*(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)*




**Корхоналар турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми,** *млрд.сўм*




Жами қурилиш-пудрат ишлари таркибидаги “Бино ва иншоотлар қурилиши” фаолият тури бўйича 461,8 млрд. сўмлик ишлар бажарилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 8,0 фоизли пунктга ошди. Шунингдек, “Фуқаролик объектлари қурилиши” фаолият тури бўйича 79,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10,8 фоизли пунктга камайди. “Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари” фаолият тури бўйича 123,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилга нисбатан 15,2 фоизли пунктга камайди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми,** *жамига нисбатан фоиз ҳисобида*




Жами қурилиш ишлари ҳажмида янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ишлари ҳажми 478,0 млрд. сўмни ташкил этди. Капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари ҳажми эса 186,8 млрд. сўмни ташкил этди.

2019 йил январь-март ойларига нисбатан янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва техник қайта қуроллантириш ишлари 5,0 фоизли пунктга ошди. Капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари ҳажми эса 9,7 фоизли пунктга камайди.

**Қурилиш ишлари турлари бўйича**
*(жамига нисбатан фоиз ҳисобида)*




**2020 йил январь-март ойларида шаҳар ва туманлар бўйича қурилиш ишлари ҳажми,** *млрд. сўм*

| | *2019 йил* | *2020 йил* | *2019 йилга нисбатан, % ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | **568,3** | **664,8** | **100,4** |
| Нукус ш. | 209,8 | 247,8 | 100,5 |
| *туманлар:* | | | |
| Амударё | 30,8 | 36,3 | 100,8 |
| Беруний | 37,3 | 43,2 | 100,2 |
| Бўзатов | 1,8 | 2,1 | 101,9 |
| Қонликўл | 9,2 | 10,7 | 101,7 |
| Қораўзак | 10,5 | 12,5 | 101,3 |
| Кегейли | 9,6 | 11,4 | 103,3 |
| Қўнғирот | 62,3 | 73,3 | 100,7 |
| Мўйноқ | 12,7 | 12,1 | 83,1 |
| Нукус т. | 31,5 | 36,2 | 101,0 |
| Тахиатош | 24,3 | 28,4 | 100,2 |
| Тахтакўпир | 16,7 | 19,8 | 101,1 |
| Тўрткўл | 37,5 | 43,7 | 102,2 |
| Хўжайли | 30,6 | 35,7 | 100,4 |
| Чимбой | 9,5 | 11,1 | 100,0 |
| Шуманай | 8,6 | 10,2 | 101,2 |
| Элликқалъа | 25,7 | 30,3 | 102,4 |

2020 йил январь-март ойларида республика бўйича қурилиш ишлари ҳажмида Нукус шаҳри (республика бўйича жами қурилиш қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 37,2 %), Қўнғирот (11,0 %) ва Тўрткўл (6,6 %) туманлари юқори улушларга эга.

Шунингдек, республика миқёсида қурилиш ишлари ҳажмида энг паст улушлар Бозатов (республика бўйича жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши (0,3 %), Шуманай (1,5 %), Қонликўл (1,6 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**2020 йил январь-март ойларида қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръатлари**




Ҳисобот даврида бажарилган қурилиш ишларининг юқори ўсиш суръати Кегейли (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 103,3 %), Элликқалъа (102,4 %), Тўрткўл (102,2 %) ва Бозатов (101,9 %) туманларида кузатилди.

**2020 йилнинг январь-март ойларида корхоналар турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми,**
*(жамига нисбатан фоиз ҳисобида)*




Йирик корхоналар томонидан бажарилган қурилиш ишларининг юқори кўрсаткичлари Қўнғирот (жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 42,6 %), Тахиатош (15,3 %) туманларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида Қораўзак, Мўйноқ, Нукус, Бозатов, Чимбой ва Шуманай, Қонликўл, Беруний, Тўрткўл туманларида қурилиш фаолияти билан шуғулланувчи йирик корхона ва ташкилотлар мавжуд эмас.

**Шаҳар ва туманлар кесимида қурилиш ишлари улуши,**
*жамига нисбатан фоиз ҳисобида*




Ҳисобот даврида қурилиш ишлари бажариш ҳажмида энг катта улуш Нукус шаҳри (республика бўйича жами қурилиш ишлари ҳажмининг 37,2 %), Қўнғирот (11,0 %) Турткул (6,6 %), туманлари ҳиссасига тўғри келади.